



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (13.336)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси билан экспорт қилинаётган экологик тоза, сифатли, хуштаъм, энг асосийси фойдали ва тўйимли маҳсулотлар дунёда бренд даражасига кўтарилиб, харидорлар эътиборини тортмоқда.**



Ф.АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Пойтахтимизда жорий йилда ўтказилган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида бунга қайта-қайта гувоҳ бўлдик. Ярмарка ҳаяжонли воқеаларга бой бўлиб, “Ўзқспомарказ” павильонларида юртимизнинг сўлим боғлари, серфайз полизлари ифори кезиб юрди. Бу меҳмонлар кайфиятида ҳам яққол акс этди. Натигада 1421 минг тонна маҳсулотни экспортга чиқариш бўйича умумий қиймати бир миллиард тўққиз миллион долларлик шартнома тузилди. Бундан 25 йил муқаддам асосий озиқ-овқат маҳсулотларини импорт ҳисобидан қоплаган Ўзбекистон эндиликда аҳолининг кундалик истеъмол товарларига бўлган талабини юртимизда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобидан таъминлаб, экспорт ҳажмини ҳам ошириш имконига эга бўлди. Айни вақтда мамлакатимиз ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ ва бошқа кўпгадир қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш ҳажми бўйича дунёда етакчи ўнта давлатдан бирига айланди.

Эндиликда маҳсулотларимиз йилнинг исталган вақтида хорижий мамлакатларга жўнатишмоқда. Жаҳоннинг 80 мамлакатига хусусан, Норвегия, Вьетнам, Россия, Германия, Хитой, Таиланд, Бразилия, Кипр, Македония, АҚШ, Латин Америкаси давлатларига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

Бунда иқтисодийни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги янгиликлар, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартиришга қаратилган эътибор муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрдаги нутқида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, “...Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим”, деб таъкидлади.

2030 йилгача мамлакатимиз янги ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд қўлгайтиришга, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер ҳўжалиklarини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда.

Туманимизда беш юздан зиёд фермер ҳўжалиги фаолият юритади, – дейди Тошкент вилояти Оққўрғон тумани фермерлар кенгаши раиси Шавкат Мухторов. – Уларнинг ҳар бири ўз маҳсулотини экспорт қилишга интишмоқда. Яқинда “Тулҳа-Маҳлий” фермер ҳўжалиги Грузияга 105 минг донна тўт ва 3 минг тўп мевави дарҳат кўчатини экспорт қилди. Ингирчида яқин мулкдорларимиз 2017 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб

берил борасида Россия, Қозоғистон, Грузиядаги ҳамкорлари билан шартнома тузган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 19 сентябрдаги “Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарориди мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг мажбурий сотуви ставкаси 25 фоизни ташкил этиши белгиланиб, экспорт билан шуғулланувчилар учун яна бир қўлайлик яратилди.

Унда янги, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспортга етказиб бериш юқлаб жўнатиладиган маҳсулот қийматининг камида 30 фоизини ол-

ёрлашга ва уни жойларга сифатли тарзда етказиб беришга ҳаракат қилмоқда. Масалан, ҳозир вилоятимизда 20 минг гектар майдонга оралиқ экин сифатида сабзавот ва кўкатлар экилди. Чунки, ўндан ортиқ давлатга келгуси йил ҳосилидан 500 минг тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномаларимиз мавжуд. Уларнинг асосий қисмини лимон, сабзавот ва кўкатлар ташкил этади.

Бугунги кунда мева-сабзавотчилик ва полизчилик аграр соҳанинг энг сердаромад тармоқларидан бирига айланди. Ҳар йили 18 миллион тоннадан зиёд табиий, экологик тоза ноз-неъматлар етиштирилиб, уларнинг салмоқли қисми экспорт қилинмоқда. Бунини даланинг ўзиданоқ экспортга жўнатилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг кундан-кунга ортиб бораётгани ҳам ифодалиб турибди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида жорий йилнинг ўтган даврида 457 миллион долларлик ҳўжа-лиги маҳсулотлари хорижга етказиб берилгани бунинг ёрқин исботидир.

Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик тармоғи, озиқ-овқат саноати ривожланиб бораётгани бизда қизиқиш уйғотмоқда, – дейди Жанубий Кореянинг “Myung Seong International” компанияси бошқарувчи директори Жунг Хю Вон. – Юртингизга келиб, табиий ва экологик тоза маҳсулот тайёрлаш устувор вазибалардан бири этиб белгиланганга гувоҳ бўлдик. Бизда ҳам бундай маҳсулотларга талаб жуда юқори. Энг замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳам татиб кўрдик. Мазази, сифати жуда манзур бўлди. Экологик тоза, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш борасида ҳамкорлик қилишга келишим олдид.

Ҳа, мамлакатимиз агросаноатида интенсив технологиялар мунтазам жорий қилиниб, йилдан-йилга сифатли ва мўл ҳосил етиштириш кўлаимоқда. Натигада аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эътижи тўлиқ қондирилиб, экспорт географияси ҳам тобора кенгаймоқда.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА мухбири

## Экспорт – тараққийнинг муҳим омили ИСТИҚЛОЛ ОЧГАН БАРАКА ЭШИГИ

диндан тўлаш шартларида амалга оширилиши, қолган қисми учун тасдиқланган банк аккредитивы очилши ёхуд бичирчи класс-ли хорижий банк кафолати расмийлаштирилиши ҳам кўрсатилган.

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “ЖАФ” фермер ҳўжалиги узумчиликка ихтисослашган. Унинг раҳбари Асатилла Жўраевнинг таъкидлашича, 80 гектар майдонда парваришланган узумнинг оқ ва қора кишимиш навларидан йиғилган ҳосилнинг катта қисми қуритилиб, ўртача 4-5 тонна майиз тайёрланади. Ҳозирча ча соҳибдорлар Россияга 40 тонна узум, Ўзбекистон Араб Амирликларига 136 минг 700 долларлик, Хитойга 160 минг долларлик майиз етказиб берди.

– Экспорт фермерга янги даромад келтиради, – дейди Андижон вилояти қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Абдумутал Сулаймонов. – Ҳисобрақамда кўпайган маблағ ҳўжалиқлар фаолияти янада ривожланиши, замонавий техника ва технологиялар харид қилиб, янги иш ўринлари яратилишини таъминлайди. Ана шунинг билан ҳис этган мулк эгалари жаҳон стандартларига мос, экологик тоза – органик маҳсулотлар тай-

## Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру ғуруримиз!

### ҲАЁТ МАКТАБИ

**Бугун йигитларимиз Қуролли Кучларимиз сафида замонавий шароитда хизмат вазифасини ўташ билан бирга, жисмоний тобланиб, интеллектуал салоҳияти юксалмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар олий ўқув юртларига ўқишга кириш, ишга жойлашишда имтиёзларга эга бўлмоқда.**

Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борада дастуруламал бўлмоқда.

Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган фуқаролар мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тўлаш мумкин бўлган максимал баллнинг 27 фоизи микдориди қўшимча баллга эга бўлаётди.

Агар абитуриент ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномаси асосида имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган тақдирда, мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тўғрисида ариза топшириши мумкин. Бунда абитуриент танланган бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балли ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари натижасида тўплаган балли ва абитуриент томонидан тўплаган балларга мувофиқ, Таълим йўналишлари бўйича давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади. Бундай аризалар тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан қўриб чиқилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларга берилаётган бундай имтиёзлар ҳарбий хизмат нуфузини янада юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда. Ўтган йилларда юзлаб ёшларимиз ана шу имтиёздан фойдаланиб, ўзи танлаган соҳа бўйича олий ўқув юртларида таҳсил олиш имконига эга бўлди. Бу имтиёз билан талабаларга эришган ёшлар ўқишда

ҳам, жамоат ишларида ҳам тенгдошларига ўрнатилмоқда.

Тошкент вилояти Қибрай туманида яшовчи Бехруз Иброҳимов муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган тавсиянома асосида Тошкент давлат шароитчилик институти талабаси бўлди. Ўқиб давомийда тенгдошларига ҳар жиҳатдан ўрнатилган бу талаба танлаган соҳаси бўйича билим ва малакасини бойитишга ҳаракат қилмоқда.

Маҳалламиздаги йигитларнинг ҳарбий хизматга отланганини эшитсам, тезроқ катта бўлишни истардим, – дейди ЎЗА мухбирига Б.Иброҳимов. – Улар билан суҳбатлашиб Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга билимни, юксак салоҳиятни ва ҳар томонлама чинқикан ёшлар эриша олишини англадим. Қизиқиш, ҳавас, қатъий ишонч ўз устимда мунтазам ишлаш, синов жараёнига пуқта ҳозирлик қўришга ундади. Бу савий-харакатларим бе-самак кетмади, муддатли ҳарбий хизматга отландим. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ватан ҳимоячилари сафидан жой олдим. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ давомида ҳар бир йигит Ватани, халқи, оиласини чин дилдан севиниш ўрганади, тинчлик аталмиш буюк неъматнинг нақадар қадри эканини чуқур ҳис этади. Ҳарбий хизматчиларнинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Бу билимимизнинг янада бойиши, дунёқарашимизнинг кенгайиши, соҳа сирларини пуқта ўрганишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз томонидан ёшларнинг бундай қўллаб-қувватланаётгани, берилаётган имтиёз ва рағбат уларни фаолликка, изланишга ундамоқда.

Нурилло НАСРИЕВ

**XXI аср саҳоси**  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб Сурхондарё ва Андижон вилоятларида муддатли ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган аскарлар, уларнинг ота-оналари иштирокида “Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси” деб номланган видеомулоқот ўтказилди.

• Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жизза вилоятида ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида “Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси” деб номланган видеомулоқот бўлиб ўтди.

• Наманган шаҳрининг Бобур шоҳ кўчасида 12 та кўп қаватли замонавий турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмарка давомида мутахассислар фуқароларнинг меҳнат қонунчилигига оид имтиёз ва кафолатлар бўйича ҳуқуқий билимини ошириш юзасидан суҳбатлар ўтказди.

• “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан Термиз шаҳри ва туманлардаги 14 ўрта махсус, касб-ҳунар коллежида бизнес клублар ташкил этилган. Бу ерда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар учун ўқув-семинарлар ўтказилиб, истиқболли бизнес лойиҳалар тайёрлашга кўмаклашилмоқда.

## ЖАҲОНДА

• Туркменистон Эрон миллий газ компаниясининг қарзи туфайли ушбу мамлакатга газ етказиб беришни тўхтатди. Бунинг натижасида катта миқдорда қарздорлик тўпланиб қолди, бу эса Туркменистон газ-транспорт инфраструктурасини сақлашда молиявий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. 2016 йилда Эрон қарздорлик юзасидан бир неча марта огоҳлантирилган, аммо бунга бирор жавоб бермаган ёки керакли савий-ҳаракатларни амалга оширмаган.

• Етакчи овоз ёзиш студиялари Facebookдан муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояси бўйича ишларни қўлгайтиришни талаб қилди. Financial Times манбаларига кўра, Facebook муаллифлик ҳуқуқларини бузадиган контентни аниқлаш бўйича ўз технологиясини ишлаб чиқмоқда.

• Apple компанияси қурилмаларини симсиз зарядлайдиган столни патентлади. Ушбу гоё янги эмас, аввалроқ IKEA шунга ўхшаш жиҳозни тақдим этган эди. “Виртуал зарядлаш зонаси” номли патент аризаси 2013 йилда берилган, аммо Америка патентлар ва савдо белгилари бюроси уни эндигина тасдиқлади.

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Олий Мажлис ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти (бизнес омбудсман) фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар ўтказди.**

## ТАДБИРКОР ҲИМОЯСИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, Қонунчилик палатасининг Демократик институти, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилиши тадбиркорларнинг ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, амалдаги қонунчилик мейёрларига тўлиқ риоя этилиши юзасидан ижро интизомини тақомиллаштиришда мустаҳкам кафолат бўлишини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони соҳада янги босқични бошлаб берди.

Фармонда 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинган. Юридик шахсининг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно.

Фармонга мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ижроси устидан парламент назорати шакллари кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилади. Бу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ни таъминлаши, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини фойдаланиш назарда тутилган.

Семинарда фармон қондаларини амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини изчил ривожлантириш, хусусий мулкчиликнинг ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни қабул қилиш назарда тутилгани таъкидланди.

Мамлакатимизда хусусий мулк ҳар томонлама ҳимояда, – дейди Тошкент вилояти Бекобод туманидаги “Довуржон Шодийёр” масъулия чекланган жамияти раҳбари Сафарой Бодиева. – Бизнес омбудсман ташкил этилиши тадбиркор ва ишбилармонларга, айниқса, кичик бизнес вакилларига эркин ва самарали иш юритиш, иқтисодий таъминоти ривожига муносиб ҳисса қўшишда янги имкониятлар яратлади.

Семинарда бизнес омбудсманнинг ҳуқуқлари, унинг ҳудудлардаги бўлимлари ва уларнинг моддий-техник таъминоти, вакиллари танлаш ёки сайлаш жараёни каби масалаларга доир тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

(ЎЗА)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

**ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ**

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отмуратов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, давлат органлари фаолиятида очиқликни, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинганлиги, мамлакатимизнинг барча вилоятлари, туман ва шаҳарларида Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлашга, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Фармонда белгиланган вазифалар ижроси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда сийёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси, партиянинг барча даражадаги тузилмалари зиммасига ҳам қатта масъулият юклайди.

Мазкур фармонда Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқирилиши ташкил этишга доир аниқ вазифалар белгиланган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Али-

шер Қодиров. — Шу билан бирга Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқирилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга оширишни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам апрофлича ўрганилди.

— Ушбу фармон юртимиздаги фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармасининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, — дейди ЎЗА мухбирига партия аъзоси Нодир Мухторов. — Бу ҳужжат кекса ёшдаги фуқароларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кекса авлоднинг юртимиз, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ролини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фракция аъзолари мазкур ҳужжат Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди платформасида белгиланган вазифалар, хусусан, халқимизнинг маънавияти ривож ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмайдиган мурувват, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик каби миллий қадриятларимиз тарғиботига асосланган лойиҳаларни амалга оширишга зарур дастурламалар эканлигини таъкидлади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан партия фракцияси олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Г.САТТОРОВА



М.ХАБИБУЛЛАЕВА (ЎЗА) олган сурат

**ХИЗМАТЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Kafolat sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти томонидан суғурта хизматларини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Юртимизда суғурта тизимини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли бугун суғурта бозори кескин суръатларда ривожланиб бормоқда. Ушбу соҳани янада такомиллаштириш мақсадида бир неча қонун ва қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, суғурта бозори иштирокчиларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Буни тадбирда иштирок этган "Kafolat sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти раҳбарияти ва мутахассислар алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Анжуманда айтилишича, компаниянинг мавжуд барча бўлимлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мебель ва алоқа воситалари билан таъминлаш борасида ишлар олиб борилган. Суғурта майдонини янада кенгайтириш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, қишлоқ жойларда 90 дан ортиқ янги бўлимлар ташкил қилинган. Ҳозирги кунда компания тизимида 190 та минтақавий бўлимлар фаолият юритаётган бўлиб, унда 15 та филиал, 38 та бўлим ва 137 та суғурта марказлари мавжуд. Бундан ташқари, ҳайдовчилар учун қулай бўлган жойларда суғурта полисларини сотувчи қатор шохобчалар ҳам ташкил этилган.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта-лаш бозори операциялари ҳам бўйича компания барқарор равишда иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ушбу суғурта тури жорий этилгандан буён компания томонидан сотилган полисларнинг умумий сони 2 минг 270 дан ошди.

— Таъкидлаш жоизки, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг жорий этилиши мамлакатимиздаги суғурта муносабатлари тизимига ижобий таъсир кўрсатди, — дейди компания бошқаруви мажбурий суғурта департаменти бош менежери Дилшод Урунов. — Ушбу суғурта турининг мажбурийлиги ва оммавийлиги республикамизда ихтиёрий суғурта турларининг ривожланишига туртки берди. Бундан ташқари мажбурий суғуртанинг жорий этилганлиги суғурта бозори замонвий инфратузилмасининг жадаллик билан шаклланишига замин яратди.

Шунингдек, анжуманда "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ва "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунларда белгиланган вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Абдуалим САЛИМОВ

**Авалло, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.**

Фармонга биноан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишнинг барча тури бекор қилинди. Бу, ўз навбатида, соҳа вакилларининг эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун мустаҳкам кафолат, тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини ҳаётга изчил татбиқ этишида кенг имконият яратди.

Давлатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани уларнинг барқарор фаолият кўрсатишига йўл очаётир. Хусусан, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслигини давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар қамраб олинган.

Шунингдек, хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш масалаларига ушбу ҳужжатда алоҳида эътибор қаратилган.

Фармон ижросини таъминлаш юзасидан тадбиркорлик фаолиятини изчил равишда топтириш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида 42 вазифани қамраб олган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурда назорат қилувчи органларнинг тадбир-

корлик субъектлари ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллашга доир вазифа ҳамда ваколатларини босқичма-босқич судларга ўтказиш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш назарда тутилган. Бу эса тадбиркорлик субъектини текширган назорат қилувчи органнинг маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни мустақил кўриб чиқиш жараёнидаги

хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка хизмат қилади. Бу эса пировардида юртимиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолияти ривожини, мамлакатимиз экспорт салоҳияти юксалишини таъминлайди.

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи

**ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ЯНАДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР**

худудий маҳсулотдаги улуши 62 фоизни ташкил этгани қайд этиб ўтилди.

Мазкур Фармон тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилиб, мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксак босқичга олиб чиқишига ишончимиз комил.

Маълумки, Олий Мажлис ҳузурида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мавжуд. Фармонга кўра, эндиликда Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ҳам ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу эса ўз навбатида тадбиркорларга кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиши аниқ.

Тараққий этган ва ривожланган чет эл давлатларида узоқ йиллардан бери бундай институтлар ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Бўлажак Вакиллик институти тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат

хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка хизмат қилади. Бу эса пировардида юртимиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолияти ривожини, мамлакатимиз экспорт салоҳияти юксалишини таъминлайди.

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи

худудий маҳсулотдаги улуши 62 фоизни ташкил этгани қайд этиб ўтилди. Мазкур Фармон тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилиб, мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксак босқичга олиб чиқишига ишончимиз комил. Маълумки, Олий Мажлис ҳузурида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мавжуд. Фармонга кўра, эндиликда Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ҳам ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу эса ўз навбатида тадбиркорларга кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиши аниқ. Тараққий этган ва ривожланган чет эл давлатларида узоқ йиллардан бери бундай институтлар ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Бўлажак Вакиллик институти тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат

ҳокимияти органлари билан тадбиркорлар ўртасида кўприк вазифасини бажаради, деб ўйлайман.

Келажақда бу вакиллик институтида тадбиркорлар учун қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва қарорлар ижроси назорат қилиб борилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қатта эътибор берилётгани, нафақат тадбиркорларни, ҳатто халқимизни ҳам мамнун этди.

Авалги йилларда турли назорат органларининг текшир-текширларидан азият чекиб, яхши ният билан бошлаган ишдан кўнгли совуб кетган салоҳиятли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг фаолияти ривожланишига кенг йўл очиб берилиши лозим. Керак бўлса ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун ер участкаларини ҳамда тайёр муҳандислик-коммуникация тармоқларига эга бўлган, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини ўз вақтида ажратиш шу куннинг талабларидан бири ҳисобланади.

Ўз ўрнида шуни ёдда тутмоғимиз лозимки, ҳар қандай ташкил этилган кичик корхона, аввало янги иш ўринлари пайдо бўлишига олиб келиб, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар берилмоқда, тадбиркорликнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатлари тубдан соддалаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида гапирадиган бўлсак, Президентимиз Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга, унинг ялпи худудий маҳсулотдаги улушини янада кўпайтиришга, улар олдида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш борасида барча имкониятларни жалб қилган ҳолда ҳар томонлама кўмаклашишга хизмат қилади.

**Отабек ЖИЯНБАЕВ,**  
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН 2017 ЙИЛДА ҚЎЛЛаниЛАДИГАН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДА**

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Қонунининг Аxbоротномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли қарори ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўламини", 2009 йил, 15-сон, 186-модда), Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 13 январдаги "Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тарифларини тасдиқлаш ҳақида"ги 41-сонли, 2015 йил 24 февралдаги "Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тавсифларини тасдиқлаш ҳақида"ги 162-сонли қарори ("Тошкент оқшоми", 2015 йил 26 февраль, 50-сон) қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 16 декабрдаги 122-сонли, Молия вазирлигининг 2016 йил 16 декабрдаги ММ/08-01-32-14/437-сонли, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 16 декабрдаги 377/01-14-сонли қарори хатлари ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 16 декабрдаги 378/01-14-сонли қарори хатини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун 2017 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага.
- ижара тўловини (ижара тўловининг таъин ставкасини) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва қўлланиладиган коэффициентлар 2-иловага.
- Тошкент шаҳрининг марказий катнов кўчалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- "Тошкент шаҳар давлат мулкни ижарага бериш маркази" давлат корхонаси (И.Қадиров):  
давлат мулкни ижарага бериш юзасидан давлат мулкни балансда сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан илгари тузилган шартномаларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш ва шартномаларни белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришни таъминласин.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорининг 31-моддасига мувофиқ, давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.
- Белгилансинки, давлат мулкни балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфидан бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни "Тошкент шаҳар давлат мулкни ижарага бериш маркази" давлат корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шаҳар жавоб берадилар.
- Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва [www.tashkent.uz](http://www.tashkent.uz) веб-сайтига жойлаштирилсин.
- Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 4 январдаги 1-сонли қарори ўз кўнини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Мазкур қарор 2017 йил 1 январдан бошлаб қонуний кучга кирди.
- Мазкур қарорнинг бажарилиши назорати Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклансин.

**Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усманов**

2016 йил 29 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг [www.tashkent.uz](http://www.tashkent.uz) сайти орқали танишиш мумкин.

**ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА**

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "BePro Norma" масъулияти чекланган жамиятининг тадбиркорлар учун мўлжалланган "IUZ Бухгалтерия. Мини" миллий дастури тақдими ўтказилди. Унда мазкур дастурни бошқариш тизими, тадбиркорлар учун яратилган қулайликлар ҳақида маълумот берилди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Иқромов ва бошқалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастурламал бўлмоқда.

Мазкур бухгалтерия дастури маълумотлар базасини яратиш ва унинг асосида турли мураккабликдаги бухгалтерия ҳисоботларини шакллантириш имконини беради. Энг муҳими, у ҳисобда хатога йўл қўймайди, иш вақтини тежашда, зарур аxbоротни тезкор равишда олишда ёрдам беради. Дастурни танлашда у қайси корхонага: кичик, ўрта ёки йирик корхонага мўлжалланганини ҳисобга олиш, унинг қай соҳага тегишлилигига эътибор қаратиш зарур.

— Еш тадбиркорлар учун мўлжалланган "IUZ Бухгалтерия. Мини" дастури мамлакатимиз қонунчилик ҳужжатлари асосида яратилган, — дейди "BePro Norma" масъулияти чекланган жамияти бош мутахассиси Бахтиёр Собиржонов. — Мазкур дастурдан фойдаланиш жуда қулай. Ўзбек ёки рус тилидаги интерфейсга эга, имкониятлари бўйича хорижий дастурлардан қолшимайди. "IUZ" дастури бухгалтерияни автоматлаштириш билан бирга бошқа қаторлиқ хизмат турларини ҳам ўз ичига муҳиммас этган. Шунингдек, мазкур дастурнинг тўлақонли юкланувчи бепул версияси тадбиркорларга унинг афзалликларини кўриш ҳамда сифатли лицензион дастур соҳибига айланиш ва ишлаб чиқувчи билан ҳамкорликни давом эттириш хусусида яқини қарор қабул қилиш имконини беради.

(ЎЗА)

**Мамлакатимизда аҳолининг, айниқса, болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, уларнинг жисмонан соғлом ва руҳан тетик, юксак интеллектуал салоҳиятга эга шахс бўлиб вояга етишларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Мутахассислар болаларнинг соғлом ва бакуват ҳамда инсонларнинг узок умр кўришининг асосий мезонларидан бири овқатланиш рационини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Айниқса, ўсиб келаётган фарзандларимизни жисмонан ва руҳан соғлом қилиб ривожлантиришда уларнинг кун тартибини оқилона белгилаш, ўз вақтида таълим жараёнига жалб қилиш, дам олишини тўғри олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу фазилатларни тўғри овқатланиш билан уйғунлаштириб оلسак, фарзандларимизни соғлом вояга етказамиз.

Навқирон авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом улғайишида илмий асосланган рацион буйича овқатланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ўсиб келаётган организмнинг зарур дармондорилар, табиий элементларга бой озуқага бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондирмаслик келажакда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хар бир ота-она дилбандининг соғлом ўсишини истади. Шундай экан, ўсаётган организмга энг аввало тўғри овқатланишни таъминлашимиз даркор. Мактаб ёшидаги болалар учун соғлом овқатланиш тарзи нималарни ўз ичига олади? Бунда қандай қоидаларга амал қилиш зарур?

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий мактабларда хар томонлама жаҳон талабларига жавоб бера оладиган ошхоналар мавжуд. Уларда бола ёшига, талабига мос озик-овқатлар тайёрланади.

Шунингдек, мактаб ошхоналарида болалар саломатлигига зарарли бўлган "гамбургер", "чизбургер", "хот-дог", "чипс, кириешка", "хрусташка" каби фаст-фуд маҳсулотлари сотиш мутлақо тақиқланди. Яроқлилик мuddати тугаган ва сифати кафолатланмаган, бир кун аввал тайёрланган овқат ва унинг қолдиги, эскириб, айниган сабзавотлар, ветеринария назоратидан ўтмаган, ичи тозаланмаган гўшт, балик ва товуқ маҳсулотлари, уй шароитида қилинган таом ва кремли қандолат турлари умуман ман этилган. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларида ташкил қилинган буфетлар санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб беришини доимий равишда назорат остига олинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг кўпчилигида замонавий ошхоналар мавжуд, айрилмағари буфетлар очилган.

Мактаб ошхоналарининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳамда ўқувчининг овқат рационини шакллантиришда муҳим саналган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган семинарларда айнан мактаб ошхоналари фаолиятини тартибга солишда таълим муассасалари раҳбариятининг ролини ошириш, бу жараёнга ота-оналарни кенгроқ жалб этиш масалаларига эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом вояга етиши учун катта эътибор қаратилаётган, тизимли чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ҳаракатлар олиб борилаётган бир пайтда ота-оналар ҳам муносиб ҳиссасини кўшмоқда.

Ўқув йили бошлангач, ўғлимнинг устозлари, таълим жараёнлари, шу билан бирга мактаб ошхонаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишим, – дейди Олма-

ни босувчи синтетик восита кўшилиди. Бу восита таркибида аниқланган фелатанин инсон асабига салбий таъсир кўрсатади, депрессия чақиради, жаҳлни чиқаради ва ҳаттоки бошқа инсонларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларига сабаб бўлиши мумкин. Бу каби газли ичимликлар нафақат болалар балки катталар соғлиги учун ҳам ҳавфли ҳисобланади.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 249-умумтаълим мактабида ҳам ўқувчиларнинг тўғри овқатланишини ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб ошхонасида сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилган.

– Мактаб ошхонамизда ўқувчилар истеъмол қилиши учун сифатли озик-овқатлар тайёрланади, – дейди Олмазор туманидаги 249-умумтаълим мактаби директори Хилола Абдусаттарова. – Ота-оналар фарзандларининг нафақат билим олиши, шу билан бирга, овқатланиш рационига ҳам жиддий эътибор қаратиши

расида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўлами кучайтирилмоқда.

– Ўқувчиларнинг тўғри овқатланиши учун барча шароит мавжуд. Тайёрланган таомларимизда сабзавотлар таркибидеги клетчатка, мевалар таркибидеги мавжуд витаминлар ва макроэлементлар, гўшт маҳсулотларидаги оқсил каби бола организмда энгил хазм бўладиган таомлар, салатлар, ширинликлар, мева шарбатлари тайёрланади, – дейди ошпаз Умида Турсунова. – Тушлик пайтида болаларга таъбларига қараб иссиқ овқатлар, салат ва мева шарбатлари арзон нархларда сотилади. Уларнинг сифати махсус комиссия томонидан доимо назорат қилиб борилади.

Бугун мактаб ошхоналари тобора тақомиллашиб, ўқувчилар соғлиги учун фойдали маҳсулотлар билан бойиб бормоқда. Лекин мактаб ошхоналарининг ҳаммаси ҳам ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилаётми, деб бўлмайди. Сабаби, айрим мактаб ошхоналарини кўздан кечирар эканмиз, у ерда савдода тақиқланган маҳсулотлар ҳам сотилаётганига гувоҳ бўлдик. Мактаб маъмурияти бундай пайтда нега ошхонани эътиборсиз қолдираётгани, ошпазлар бефарқликка йўл қўяётгани кишини ажаблантиради.

– Ёш болаларнинг овқат хазм қилиш тизими ўзига хос бўлганлиги учун улар ёғли, қовурилган, ачиқ ва нордон овқатларни ейишдан чекланиши керак, – дейди Тошкент тиббиёт академияси Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиена кафедраси профессори Гули Шайхона. – Тўғри овқатланиш организм ўсиши, меъёрий ривожланиши ва ҳаёт кечириш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширувчи муҳим омил саналади.

Фарзандларимизнинг пухта билим олишида, хар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб ўсиб-ўлғайишида тўғри овқатланишнинг аҳамияти беқиёс. Шундай экан, баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим ва инкор қилиб бўлмас шарт ҳисобланган овқатланиш рационини тўғри белгилашга нафақат умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, балки ота-оналар ҳам жиддий эътибор қаратса қўзалган мақсадимизга етамиз. Зотан тиб илмининг султони Абу Али ибн Синонинг "Кимки ўз соғлигини сақламоқчи ва мустаҳкамламоқчи бўлса, овқатланиш тартибига, истеъмол қилинаётган овқатнинг сифатига, микдорига, овқатни истеъмол қилиш вақти ва унинг хазм бўлиш жараёнига асосий эътиборни қаратиши керак" деган сўзларига амал қилган бўламиз.

Шахноза МАМАТУРОВА

**СОҒЛОМ БОЛА – ЮРТ ТАЯНЧИ**

зор туманида истикомат қилувчи Собира Жўраева. – Мактаб ошхонасида тайёрланаётган таомлар озодлиги, витаминларга бой маҳсулотлардан таркиб топганлигига гувоҳ бўлдим. Нархи анча арзон, сифати юқори таомлар болаларимиз саломатлигига фойдалидир. Олдинлари мактаб ошхоналарида фаст-фуд маҳсулотлари сотуви авж олганди. Бу маҳсулотларни истеъмол қилиб, ўғлимнинг ошқозони бузилиб шифохонада ётди. Ушандан буён бу каби маҳсулотларни ман этганман. Бугунги шарт-шароитлар худди уйда тайёрланаётган таомларни эслатади. Бунинг барчаси давлатимиз тамонидан фарзандларимизга кўрсатилаётган эътибор деб биламан.

Мутахассисларнинг таъкидлашича фарзанднинг севиб истеъмол қиладиган биргина хрусташкада сунъий таъм, маза, ҳид ва ранг берувчи воситалар қўшилган экан. Тайёрланишида саратон касаллигини чақирувчи канцероген воситалари кўп учраб экан. Турли рангли ва ҳидли, газли ичимликлар мисолида гапирадиган бўлсак, мазкур ичимликлар таркибига аспартам номли шакар ўрни-

ларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунга қарамадан баъзи ўқувчиларимиз катта танарфус пайтида мактаб ташқарисидан турли газланган ичимликлар, энгил таомлар харид қилади. Энг ёмони, мактаб атрофида баъзи "тадбиркор"лар тамонидан "гамбургер", "чизбургер", "хот-дог", "чипс, кириешка", "хрусташка", ҳаттоки тамаки маҳсулотлари ҳам сотилади. Бунинг олдини олиш мақсадида бошланғич синф 1-4-синф ўқувчилари учун ўндан ортик мультимедиа дарсликлари ишлаб чиқилган бўлиб, ундан "Кун тартиби", "Тўғри овқатланиш", "Шахсий гигиена", "Зарарли одатлар", "Витаминлар", "Жисмоний фаоллик ва спорт" каби мавзулар ўрин олган. Дарсларда ўқувчилар соғлом овқатланиш тартиби, санитария ва гигиена қоидалари, зарарли одатлар ва уларнинг олдини олиш, витаминларнинг инсон саломатлигидаги аҳамияти ҳамда атроф-муҳитнинг инсон саломатлигига зарарли таъсирини камайтириш буйича тушунчалар бериб боришмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури дои-

**ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА**

**Миллий матбуот марказида Фавқулдда вазиятлар вазирлиги томонидан зилзила, сел, сув тошқини, ер кўчкиси ва бошқа табиий ҳодисалар юз берганда хавфнинг олдини олиш юзасидан аҳоли саводхонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Анжуманда фавқулдда вазиятлар вазирининг ўринбосари Ҳ.Абдулазизов ва бошқалар мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларни фавқулдда вазиятлардан ҳимоя қилиш масалалари устувор аҳамият касб этишини таъкидлади.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида табиий ва техноген хусусиятли фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш, улар юз берганда тўғри ҳаракатланиш буйича ишончли ва самарали миллий тизимнинг ташкил қилингани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Тадбирда табиий ва техноген тусдаги фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлиши мумкин бўлган хавфни имкон қадар камайтириш, одамлар соғлигини сақлаш, аҳолининг бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш ва қарорлар қабул қилиш буйича билимларини ошириш, атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарар ва моддий талафотлар микдорини камайтириш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритилди.

Хар йили "Ўзгидромет" маркази ва Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг ходимлари билан биргаликда сел, сув тошқини ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудлар бирма-бир ўрганиб чиқилмоқда. Баланс тоғли ҳудудлардаги қўлларнинг ҳолати ва қор захирасини аниқлаш мақсадида аэровизуал кузатув ишлари олиб борилмоқда.

Сув тошқини ва сел оқимининг олдини олиш мақсадида хар йили дарё ва сойларнинг ўзанларини тозалаш ва кирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбир давомида фавқулдда вазиятларни мониторинг ва башорат қилиш, бундай ҳолатларда аҳолининг тўғри ҳаракатланишига оид амалий кўникмаларини ошириш, фавқулдда вазиятлар хавфи мавжуд ҳудудларни ўрганиш ва камайтириш билан боғлиқ профилактик тадбирларни амалга ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

(ЎЗА)



**БАРЧАГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТДИ**

**Ёшлар ижод саройида "Камалак"дан Янги йил" лойиҳасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

"Камолот" ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Харакат фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Мазкур лойиҳа аънаваний тарзда хар йили маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ва ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда ёлғиз қарияларни маънан қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг қишқи таътил вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ташкил этилади.

Лойиҳа доирасида Мехрибонлик уйи ва мактаб интернатлардаги тарбияланувчилар учун "Биз бир-гамиз!", имконияти чекланган болалар учун "Янги йил муборак!", ёлғиз қариялар учун "Ёшлар табриги!", Сардорлар Кенгаши аъзолари учун "Янги йил муборак!", маҳаллаларда истикомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандлари ва ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар учун "Кўчма арча" тадбирлари ўтказилди.

Анжуман давомида лойиҳани ўтказиш, ундан қўзалган мақсад ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари хар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

**Қарор ва ижро**

**ОИЛА МЕХР-МУҲАББАТ, ОРЗУ-УМИДЛАР МАСКАНИ**

**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси 1-никоҳ уйи қошида шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар кўмиталари ходимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия фонди мутахассислари билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ёш оила мактаби" машғулотларида ёшларга никоҳга таъбиий кўриқдан ўтишининг зарурати, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳ шартномаси ва оила саломатлиги ҳақида атрофлича маълумот бериб боришмоқда.**

Конституциямизда оила жамиятнинг асосий бўғини экани ҳамда унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимизда оилани ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган илҳомли ишларнинг самарасида ушбу қрида ҳаётимизда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. – дейди УЗА муҳбирга 1-никоҳ уйи мудири М.Садриддинова. – Миллий қонунчилигимизни шакллантириш жараёнида оиланинг ҳуқуқий асосларини яратилиши алоҳида аҳамият беришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ҳам фаолиятимизни ҳуқуқий жиҳатдан янада тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Аслида фарзанд дунёга келганидан кейин бир ой ичида тузилганлик ҳақида гувоҳнома олиш керак. Бироқ баъзи ҳолларда айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги оқибатида фарзандга гувоҳнома олиш вақти кечикиб, ҳатто 16 ёшга етганда, баъзида ўндан кейин ҳам тузилганлик ҳақида гувоҳнома олиш учун Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларига мурожаат этиш ҳолатлари учраб туради. Авваллари шундай вазиятларда керакли ҳужжатларни тақдим этган фуқарога тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилар экан. Эндиликда юқорида номи келтириб ўтилган қарорга асосан, 16 ёшдан ошган, тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома бўлмаган шахсларга факатгина суд ҳулосаси асосида тузилганлик ҳақидаги гувоҳномани бериш тартиби киритилди. Мазкур ҳужжатда туғруқоналардан қақалокнинг тузилганлиги тўғрисида бериладиган маълумотномани махсус, давлат белгиси остидаги, қалбаки қилиб бўлмайдиган бланкаларда бериш тизими жорий этилиши кўзда тутилган.

Авваллари никоҳланувчи ёшларнинг гувоҳлари чегараланган, яъни икки кишидан иборат бўлар эди. Мазкур қонунга мувофиқ энди никоҳланувчи ёшларнинг гувоҳлари келин-қуввёлар ичтибига биноан белгиланиб, туйлари ичмаклаштириш ва ортиқча сарф-харajatларни қисқартириш мақсадида Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимлари жойларга чиқиб, никоҳни қайд этиши мумкинлиги ҳам ушбу ҳужжатда белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, қонунда келин-қуввёлар учун қўшалок фамилия олиш имконияти ҳам киритилди. Бунда келин ёки қуввёларнинг фамилиясига ўзига ўзига жараёнида ўз фамилиясини сақлаб қолиши ҳам мумкин.

"Ёш оила мактаби" машғулотларига қўлиб йиғич-қизлар жалб қилинган. Яқкасарой тумани хотин-қизлар кўмитаси ва тиббиёт билимлари билан ҳамкорликда мактабларда, касб-хунар коллежларида ва маҳаллаларда ёшлар иштирокчида мунозама дара сўбатлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, никоҳолди тиббий қуритининг аҳамияти, оиланинг жамият олдидидаги мажбурияти, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг, ОИТС ва гнҳандлининг оқибатлари атрофлича тушунтирилмоқда.

Гўзал САТТОРОВА

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Диккат! Диккат! Диккат! Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диккатига!**

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Косметик тўлиқ савдо хизмати" МЧЖ бошлангич нарх босқичма-босқич олиб бориши тартибидеги ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!**

Аукцион савдоларига қўйидаги давлат активи қўйилади: Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида жойлашган бино иншоотларнинг эгаллаган майдони 1535,7 кв.м бўлган 103-уй. (асосий воситалари билан бирга).

Бошлангич нархи – 3 715 346 993 сўм. Балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув. Савдо ташкилотчиси: "Ko shmas mlik savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт: www.1kms.uz. электрон почта: nielsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2017 йил 6 февраль кун соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилди.

Аукцион савдоси шу кунга бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрири савдолар 2017 йил 21 февраль, 9, 27 март, 11, 26 апрель, 12, 29 май, 13, 28 июнь, 13, 28 июль, 14 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари буйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олдидотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда олдидан Савдо ташкилотчиси "Ko shmas mlik savdo xizmati" МЧЖнинг қўйидаги банк рекавизитларига зақалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Илак йўли" Саёбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда катнашишга бюртномана қабул қилиш билдиришомда эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришомда кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунга савдо бошланишидан ун соат олдин таъмом бўлади.

Аукционда катнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган мuddатларда шахсан ёки почта буйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда катнашишга бюртноманомани икки нусхада тақдим этади: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил катнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришомда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефон: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: nielsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitor.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат кўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Йшонч телефонига зудлик билан хабар беришиңиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!



Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бермоқда.

Ишга бориш учун кўчага чиқдим. Хаво совуқ. Қўшнимиз Давлат аканинг ўн ёшлардаги ўғли Азиз эгнига спорт сумкасини осиб, қаддини тик тутиб келаяпти. Қўлини кўксига қўйиб салом берди. Алик олиб, қаерга кетаётганини сўрадим. — Машгулотга! — деди. Ичимда "Эринмаган бола-я! Шу совуқда машгулотга нима бор экан?", дедим, бехитёр ўзимнинг болагимни ёдимга тушди. ...Орзуларга тўла болагим. Собик тузумнинг сўнгги нафаси этларни жунжиктириб турган, ҳалқнинг шуури милт этган кўёш нурини соғиниб юрган саксонинчи йилларнинг охири эди. У пайтлар спорт тўрага тугул, мактабга боришнинг ўзи бир ганимат эди. Мактаб дастурдаги жисмоний тарбия дарсида иккита ёштни "дарвоза" қилиб, титилиб кетган тўпни у ёқдан-бу ёққа телиб, "футбол" ўйнаганимизга ҳам хурсанд бўлардик...

тириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонлари бўйича борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Мазкур фармонлар ижросини таъминлаш доирасида ўтган йиллар давомида мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида замонавий, барча шароитларга эга болалар спортини мажмуалари, умумтаълим мактабларининг спорт заллари, сузиш ҳавзалари қурилиб, мавжудлари қайта реконструкция қилинди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, 2003-2016 йилларда 2 минг 474 иншоот, жумладан, 2 минг 173 спорт объекти, 301 болалар мусика ва санъат мактаби ҳамда 118 сузиш ҳавзаси қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилган. Улар 86 турдаги спорт

тўлиқ таъминланган. Ёшларга малакали мураббийлар маҳорат сирларини ўргатмоқда. Тарбияланувчилар мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Яқинда мактабнинг янги, усти ёпиқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Замонавий иншоотда сузиш ҳавзаси, ювенил, кийим алмаштириш хоналари мавжуд. Сувни тозалаш, иситиш тизимлари, хона ҳароратининг мўътадиллигини сақлаш ускуналарининг борлиги иншоотнинг кўп йиллар давомида ёш авлодга хизмат қилишини таъминлайди. — Ўтган йилларда болалар спортини ривожлантириш борасида қилинган ишлар натижасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи ўғил-қизлар сафи кескин

Болалар спорти

СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАС ЁШЛАР

анжомлари ва ускуналари билан таъминланган. 120 турдаги спорт жихозларидан 119 таси юртимиздаги қорхоналар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Ҳолбуки, 2003 йилда спорт жихозларининг атиги 73 таси мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, холос. Бу фарзандларимизнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини янада ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, руҳан тетик, иродаси мустаҳкам қилиб тарбиялашда, уларнинг онгида ватанпарварлик, юртга садоқат, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

ошиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланмоқда, турли мусобақаларда эришаётган ғалабалари салмоғи ортмоқда, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари Акмал Бобонов. — 2016 йилда ёш спортчиларимиз Германия, Португалия, Россия, Вьетнам, Италия, Жанубий Корея, Испания, Таиланд, Болгария, Греция, Голландия, Ҳиндистон, Малайзия, Венгрия каби давлатларда ўтказилган мусобақаларда 182 олтин, 130 кумуш ва 121 бронза медални қўлга киритди.

Дарҳақиқат, спортчиларимизнинг турли нуфузли мусобақаларда эришаётган улкан натижаларининг мақтанса аризулик салмоғи бор. 2016 йилнинг ўзига эришилган ютуқларни санаб санаюрга етиш қийин. Қайси бирини айтиш? Ўзбекистон спортчиларининг Бразилияда ўтган ёзи Олимпия ва Паралимпия ўйинларидаги ғалабалариними? Ё бокс, бадий гимнастика, дзюдо, эркин ва юн-юрум кураши, оғир атлетика каби кўплаб спорт турларидан китъа ва жаҳон чемпионатларидаги, нуфузли турнирлардаги қўлга киритган медаллариними? Русларнинг дунёни ҳайратга солиб, Олимпия рекордини ўратганини, Ҳасанбойнинг ўз

Хорижда яшайдиган танишимизнинг ҳўв бир йили юртимизга меҳмон бўлиб келиб, уйимизга бора-боргунча йўлдаги замонавий, барча шароитларга эга таълим муассасаларини санъат мактаблари, спорт иншоотларини сузиш ҳавзаларини кўриб, ҳайратланиб айтган гапи эсимда: — Вой-бўй, шунча шароит, шунча имконият-а?! Ҳаммаси болалар учун! Ҳа, Ўзбекистон нафақат бугунини, балки эртасини ҳам ўйлайдиган, келажақ авлоднинг бахту қамоли учун ҳеч нарсани аямайдиган давлат. Бундай мамлакатнинг келажаги буюк бўлади!

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, ёш авлод — буюк келажагимиз бунёдкорларига алоҳида эътибор қаратилди, уларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом камол топиши, замонавий билимларни эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилди. Бу жараёнда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва самарали омил бўлган болалар спортини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаш-

Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкили "Олмазор ЎСТК" унитар қорхонасида 14 январь — Ватан Ҳимоячилари кунига бағишлаб, милтиқдан ўқ отиш бўйича мусобақа ўтказилди.

ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Унда Тошкент маданият коллежи ва Тошкент Молия институти қошидаги 2-сонли академик лицейнинг ўқувчилари иштирок этди. — Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан бақувват этиб тарбиялашда спортнинг техник ва амалий турларига бўлган қизиқишларини оширишдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Олмазор Ўқув СТК" унитар қорхонасининг Маънавият, ташкилий ўқувчи ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Азиз Қаюмов. — Глобаллашув даврида ёшларни турли зарарли таъсирлардан, бузғунчи фоялардан асраш мақсадида уларни спорт турларига бўлган қизиқишларини ортириш, ўз Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини юксалтириш, жисмоний чиниқтиришга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мусобақа қатнашчилари пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича барча тафсилотлар ва техника хавфсизлиги билан таништирилиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан жавоб олдилар. Мазкур мусобақада иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритган барча қатнашчиларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Республикамиз ҳудудига четдан товар-моддий бойликларни импорт қилиш бўйича аниқ ва самарали тартиблар ишлаб чиқилган бўлиб, бунда энг аввало юртдошларимиз саломатлиги, шунингдек, ички ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган.

Афсуски, амалдаги тартибларга риоя қилмай, натижада ички бозорни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётган "ишбилармон тадбиркор"лар ҳам йўқ эмас. Республикаимиз божхоначилари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган парфюмерия ва косметика маҳсулотларининг олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Яқинда пойтахтимиз божхона ходимлари томонидан катта миқдордаги парфюмерия ва косметика маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Жумладан, "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан "Москва — Тошкент" йўналишидаги поезднинг йўловчиси фуқаро Ш.Мухамедов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) умумий қиймати 8 млн. сўмдан ортқ 240 донга турли хил косметика товарларини вагоннинг хуфёна жойига яшириб, олиб келаётгани аниқланди.

Шунга ўхшаш ҳолатда "Алмата — Нукус" йўналиши бўйича кириб келган поезд йўловчиси, қўшни давлат фуқароси Т.Саидовнинг қўл юклари орасида умумий қиймати 10 млн. сўмдан ортқ жами 246 донга турли хил парфюмерия ва косметика товарларини йўловчи божхона декларациясида ҳамда

божхоначиларнинг озаки сўрови пайтида маълум қилишни "унутиб" қўйибди. Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Чуқурсой" ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари хориждан Фарғона вилоятида фаолият юритувчи хусусий тадбиркорлар номига келтирилган темир йўл контейнеридаги товарлар белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилганда, мазкур контейнерда тегишли йўл ҳужжатларига кўрсатилганидан ортқча бўлган 6 турдаги салкам 32 минг донга парфюмерия ва косметика товарлари ҳамда ошхона анжомлари борлиги аниқланди. Дастлабки маълумотларга кўра ушбу товар моддий бойликларнинг умумий нархи 160 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Шу ўринда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси фуқаролардан божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан 120-76-76 ишонч телефонига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатади. Мурожаатлар анонимлиги кафолатланади. Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

"101" ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Бугунги кунда ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз катта аҳамият касб этиб, ҳар бир фуқаронинг огоҳлиги муҳим бўлиб бораётир.

Маълумки, жамият учун ҳам, фуқаро учун ҳам хавфсизликни таъминлаш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Аҳоли ва давлат мулкни асраб-авайлаш, турли офатлардан ҳимоя этиш ҳар биримиздан масъулият талаб этади. Турар жойимиз ва сила аъзоларимизни ёнгин офатидан сақлаш хавфсизликнинг ажралмас бир бўлагидир. Бу эса ҳар биримиздан доимо масъулиятли, огоҳ бўлишимизни тақозо этади.

Барчага аёнки, эҳтиётсизлик ёки бирор сабаб билан келиб чиққан ёнгин оқибатида хонадон ёки қорхона бинолари, у ердаги моддий бойликлар ёниб, қулга айланиши ҳеч гап эмас. Энг ачинарли томони шундаки, ўт балоси туфайли инсонлар ҳаёти ҳам бевақт хазон бўлиши мумкин.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ён-атрофимиздаги турли офатдан асраш, ўзимиз ҳамда жамиятга етадиган зарарнинг олдини олган бўламиз.

Азиз ҳамшаҳарлар уйда, ишхонада, жамоат жойларида ёнгин хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий мақсади ва савий-ҳаракатлари халқимизни ёнгин балосидан асрашга қаратилгандир.

Жаҳонгир УРМАШЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ 33-ХЕХК инспектори, сержант

Ёнгин "тилсиз ёв"дир, уни ўчиришдан кўра олдини олган афзалроқ. Шу ўринда айтиш жоизки, ёнгин хавфсизлиги талабларига тўла амал қилингандагина унинг олди олинади.

Содир бўлаётган ва улар туфайли келиб чиқаётган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилиш барчага масъулият юклайди. Қорхона, ташкилот ва халқ таълими муассасаларида ёнгин хавфсизлиги қоидалари, ёнгин оқибатида келиб чиқадиган вазиятлар тўғрисида кўплаб суҳбатлар ўтказилади. Аслида ёнгин хавфсизлиги талаб ва меъёрларига амал қилиш, бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш дастлаб уларни лойihalаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги талабларининг тўла бажарилиши уларда ёнгин содир бўлмагани ҳамда ёнгин хавфсизлиги таъминланганлигини кафолатлади.

Илёс АХМЕДЖАНОВ, Тошкент шаҳар ИИББ 33-ХЕХК бошлиғи, майор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Сергели тумани ТСРҲИ томонидан 17 октябр 2013 йилда № 004055 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "PARTNERS SILVER" МЧЖ (ИНН 302729774) таъсисчиларнинг 3 январь 2017 йилдаги №1 қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ.

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рафами орқали қабул қилинади. +99890 901-18-82.

Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 4 июндаги 000320-03-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган ва юридик манзили ўзгарганлиги муносабати билан Яшнобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2012 йил 17 декабрдаги 004220-07-сонли реестр рақами билан Яшнобод тумани, М.Риёзий 2-йи манзили бўйича рўйхатга олинган Шаҳар жисмоний тарбия диспансери (СТИР 203711230) тугатилади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 5-7 даража иққ бўлади. Ўзгидрометнинг метеоролог хизмати маълумотига кўра, 6 январь Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосиланган даражаси паст бўлади.